

Аваз Ўтар - Аваз Полвонниёз (Ўтар) ўгли (1884.15.8- Хива-1919) — ўзбек маърифатпарвар шоири. Дастлаб мактабда, сўнг Хивадаги Инокий мадрасасида ўқиди. 18 ёшларида шоир сифатида халқ ўртасида танилди. Мухаммад Рахим Соний (Феруз) Аваз Ўтар истеъдодига катта эътибор берган, уни саройга таклиф қилиб Табибийни унга устоз тайин этган. Аммо, Аваз Ўтар сарой хаёти билан чиқишолмай, уни тарк этади.

20-аср бошларида кўзга ташланаётган миллий уйғониш, истиклол гоёлари Аваз Ўтар ижодига кучли таъсир кўрсатади. Аваз Ўтар ижодида эркпарварлик, озодлик, маърифатпарварлик гоёлари, турмуш иллатларига қарши қаратилган ҳажвлар пайдо бўла бошлайди, бу даврда шоир юксак инсоний фазилатларни, чинакам инсоний мухаббатни тараннум этувчи лирик шеърлар, киталар, рубоийлар ёзди. Аваз Ўтар ижодида алоҳида ўрин тутган ҳажвий шеърлар туркуми — «Фалоний» ҳам шу давр маҳсули. Аваз Ўтар «Миллат», «Хуррият»; «Топар эркан, қачон», «Халқ», «Замон» ва бошқа шеърларида миллат тақдири ва келажагини янгича талқин этади. Айрим шеърлари ўша давр вақтли матбуоти («Ойна», «Вақт», «Мулла Насриддин» ва бошқа)да босилган. 2 девони («Саодат ул-икбол», «Девони Аваз») ва қатор баёзларга киритилган газаллари етиб келган. Девонларининг кўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида (инв. ? 942, 7102, 3451) сақланади. Республикада мактаблар, кўча ва хиёбонларга Аваз Ўтар номи берилган. Хивада уй-музейи ташкил этилган, хайкали ўрнатилган. У ҳақда бадиий асарлар яратилган (Э. Самандар «Эрк садоси» достони, А. Бобожон «Газал фожиаси» драмаси, С. Сиёев «Бир чора замон истаб» киссаси ва бошқа).

Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Анда ўқуганлар бори яктои жахондир.

\* \* \*

Дўстларим бўлсун десанг ахли жахон,  
Хулқи хушлукни қил одат, эй Азиз.

\* \* \*

Не яхши ўйлақим, маъкулу манзур,  
Аваз халқим учун тўқулса қоним.

\* \* \*

Гул қаби бевақт гунча очиб ноз қилма,  
Булбул қаби бепарда нагма-ю овоз қилма!  
Гъайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,  
Қим илму хунарлар ривожини андин аёндир.  
Лозим сизга билув ҳар тилни она тилдек,  
Билмаққа они гайрат этинг, фойдасини қондур.

\* \* \*

Агар хар кимса сени севмас, борма анинг сори.

\* \* \*

Гар пушаймон ўлмайин десанг, яна,  
Бўйла ахволи кабохат айлама.

\* \* \*

Фуркат бошингга тушмайин вуслатни кадрин билмадинг,  
Ранж ила меҳнат чекмайин роҳатни кадрин билмадинг.

\* \* \*

Ростликка завола бўлмас эмиш, билинг!  
Вафо аҳлига ичмаклик жаҳонда,  
Ҳақиқатда эрур душвор савганд.

\* \* \*

Дикар нахле чекиб меҳнат бировлар,  
Вале андин кураб роҳат бировлар.

## ТИЛ

Хар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситаи робитаи оламиёндур.

Кайри тилини саъй килинг билгали, ёшлар,  
Ким илму хунарлар билонки андин аёндур.

Лозим сиза хар тилни билув она тилидек,  
Билмакка они гайрат этинг, фоида кондур.

Илму фан уйика юборинглар болангизни,  
Онда ўқугонлар бори яқтойи замондур.

Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидин они бағри тўла кондур.

## ФИДОЙИ ХАЛКИМ

Фидойи халким ўсун танда жоним,  
Бўлиб қурбон анга рухи равоним.

Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Будур максуди калби нотавоним.

Мани солса фано йўлига даврон,  
Юрур устимдин авлоди замоним.

Умидим: яшасин мактаб боласи,  
Алар хар бири бир шери жахоним.

На яхши ўйлаким, маъкул-у манзур,  
Аваз, халким учун тўкулса коним.

### **СИПОХИ ПОРА ИСТАР**

Сипохи пора истар  
Мулла ижора истар,  
Бечора чора истар,  
Бир чора замон борму?

### **БИЛИНГ, УШБУ ЗАМОН ГАМНОКИДУРМАН**

Билинг, ушбу замон гамнокидурман,  
Куйиб ўртанган элнинг хокидурман,  
Авазким, назм эллин чолокидурман,  
Бошин олмокка хоннинг покидурман.